

Ishonch

2019 йил 11 июнь • сешанба • № 71 (4200)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь кuni Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевни кеча бўлиб ўтган Қозоғистон Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий табриклади.

Сайлов натижалари Қозоғистон халқи Қосим-Жомарт Тоқаевни кенг қўллаб-қувватлаши ва унга улкан ишонч билдиришини, унинг мамлакат барқарор тараққиётига ва халқаро нуфузини оширишга ҳиссасини юксак баҳолашини яна бир бор намойиш этгани, амалга оширилаётган сиёсат ва энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг изчил давом эттирилишига қатъий ишончинини ифодаси бўлгани алоҳида таъкидланди.

Қозоғистон Президентининг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат ташрифи дўстлик, яхши кўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга ўзаро

интилишнинг тасдиғи бўлиб, икки томонлама ҳамкорлик ривожига янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Суҳбат чоғида Шавкат Мирзиёев ва Қосим-Жомарт Тоқаев Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилдилар.

Келгусида, жумладан, халқаро ташкилотлар тadbirlari доирасида бўлажак олий даражадаги учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Президентлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш устувор аҳамиятга эга эканини яна бир бор таъкидладилар.

ЎзА

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЕТЎБ ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь кuni Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги шериклик муносабатлари изчил ривожланиб, ўзаро манfaatли ҳамкорлик жадаллашганлигини мамнуният билан қайд этди.

Охириги икки йилда ушбу нуфузли халқаро молиявий институт раҳбари мамлакатимизга учинчи бор ташриф билан келгани ўзаро алма-шинувлар фoллашганидан далолат беради.

Ўтган йил октябрь ойида банкнинг Ўзбекистон бўйича мамлакат стратегияси қабул қилинди. ЕТБ экспертлари кўмағида энергетика, банк ва молия соҳалари, капитал бозорини ривожлантириш ва мамлакатимизда рақобат муҳитини яхшилаш бўйича ислохотлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Қўшма лойиҳалар портфели кенгаймоқда. Заём келишувлари имзоланиб, қиймати жами 600 миллион доллардан зиёд кредит маб-лағларини жалб этган ҳолда мамлакатимиз ҳудудларида энергетик ва коммунал инфратузилмани модернизация қилиш бўйича устувор инвестиция лойиҳалари тайёрланмоқда. Хусусий сектор лойиҳаларига 100 миллион доллардан зиёд инвестиция киритилди.

Бундан ташқари, умумий қиймати 800 миллион долларга яқин бўлган ижтимоий аҳамиятга молик истиқболли

дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

ЕТБнинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси фаол ишламоқда, унинг Андижон шаҳрида ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида филиалларини очиш режалаштирилган.

Учрашувда амалий ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, жумладан, мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини ва кредитларни ўзлаштиришни тезлаштириш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга, қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини шакллантиришга кўрсатилаётган кўмакни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаширини ташкил этиш ва унинг биринчи мажлисига тайёргарлик кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

ЕТБ раҳбари самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг суръати, қўламини ва амалий натижаларини юксак баҳолади.

Сума Чакрабарти Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон Республикаси билан кўп қиррали шерикликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва давом эттириш борасида қатъий эканини таъкидлади.

ЎзА

Фарғона
вилояти

«КИМЁГАР» қучоқ очди

Қувасой шаҳридаги «Фарғонаазот» АЖга қарашли «Кимёгар» оромгоҳи биринчи навбатда 300 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олди.

— Ўтган йили завод ишчиларининг 1200 нафар ўғил-қизи ҳордиқ чиқарган бўлса, бу йилги мавсумда беш навбатда 1500 нафар болани дам олдириш кўзда тутилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Саодат Мўминова. — Бу ўтган йилгига нисбатан 300 нафарга кўп деганидир. Энг асосийси, оромгоҳимиз бағрида дам олувчиларга мароқли лаҳзаларни тўхфа этиш учун мавсумга пухта ҳозирлик кўрилди.

Тadbirlar режасига кўра, мавсум давомида турли давра суҳбатлари, қизиқarli учрашувлар, интеллектуал ўйинлар, викториналар ҳамда спорт мусобақалари ўтказилади. Бундан ташқари, «Қизиқarli математика», «Мен ҳам рақсга тушаман», «Мен дутор чаламан», «Моҳир қўллар», шахмат-шашка, стол тенниси, футбол каби тўғарақлар ҳам фаолият юритади.

— «Кимёгар»га иккинчи маротаба келишим, — дейди Хўшрабону Ермухаммедова. — Ўтган йили бу ерда жуда кўп дугоналар орттирган эдим. Бу йил ҳам уларни кўриб қувониб кетдим. Айни пайтда «Моҳир қўллар» тўғарағида тўқишни ўрганилган.

— Ҳар бир кунимиз бир-биридан қизиқarli ва таассуротларга бой ўтмоқда. Кунини кеча ўтказилган қувноқ стартлар мусобақасида гуруҳимиз биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳозир келгуси мусобақаларга тайёргарлик кўряпмиз. Бугун эса театр томошаси кўрсатилишини эшитиб, янада хурсанд бўлиб кетдик, — дейди Беҳзод Абдуллажонов.

— Болаларнинг соғлиғи биз учун ўта муҳим, — дейди шифокор Ақтамхўжа Ази-



мов. — Шунинг учун уларнинг саломатлигини кун давомида назорат қилиб борамиз. Бу ерда болалар кунига тўрт маҳал тўйимли ва витаминларга бой таомлар билан овқатлантирилади. Тиббиёт хонамиз эса етарлича дори-дармонлар билан таъминланган.



Таъкидлаш ўринлики, йўлланмаларнинг ҳамёнбоплиғи ҳам ота-оналарга манзур бўлмоқда. Бу йилги 12 кунлик йўлланма нархи бир нафар бола учун 58 минг сўм этиб белгиланган.

«Кимёгар»даги тозалик, озодалик, манзарали ва мевали дарахтлар беихтиёр

кишининг баҳри дилини очади. Йўлаклар бўйлаб экилган ранг-баранг гуллар эса оромгоҳга ўзгача тароват бағишлаган. Оромгоҳ ҳудуди болаларнинг шодон кулгусига тўлган.

Жамишид ЭРТАШЕВ,
«ISHONCH»

Қачон «тадбиркор»дан нажоткорга айланамиз?

Ёхуд «фармбозор»дан «фармсаноат»га ўтиш фурсати етмадими?



Иссиқ жонмиз — онда-сонда бўлса-да дорихона томон йўрғалаб қоламиз. Ҳамма сифатли дорини олиш ва тезроқ шифо топишни истайди. Агар кўлингизда шифокорнинг тавсия қoғoзи бўлса, ёзилган дорини ҳеч бир иккиланишсиз сотиб olasиз. Аммо шамоллаш ёки томоқ оғриғидек «хонаки» вaж бўлса, албатта, ўзингиз билан, сигналган доридан бошқасига ишонмай-сиз. Афсуски, улар ҳам ўзи-

мизники эмас, хорижники бўлиб чиқади. Хўш, бизда фармсаноат қачон ривожланади?

ЯНГИ ФАРМОНДАН ХАБАРДОРМИСIZ?

Шу йилнинг 10 апрелида давлатимиз раҳбарининг «2019-2021 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тadbirlari тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Албатта, соҳа яхши

лар бор. Хусусан, доришуносликда импорт маҳсулотларига ҳаддан ортиқ таяниб қолаётган эдик. Бу маҳаллий дори ишлаб чиқариш саноатининг ривожига тўсиқ бўлиш билан бирга, шу соҳадаги илмий тadbirkotлик ишларининг аҳамиятини ҳам сусайтираётгани айни ҳақиқат. Хўш, Фармонга асосан саноат ривожини йўлида қандай ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда? Шу каби саволларга жавоб олиш ва Фармонда кўзда тутилган чора-тadbirlar бирлар ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиғи ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиғига мурожаат қилдик.

Мулоҳаза

Буюк сиймолар

Улуғ

инсонпараст


Атоқли маърифатпарвар, қомусий олим, қомил уламо ва йирик сиёсий арбоб, Соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул вақое», Дарवेशали Сангийнинг «Муסיқа рисоласи» асарлари таржимони, «Тарихи Муҳаммадия», «Туркистон қайғуси» каби машҳур асарлар муаллифи бўлган Алихонтўра Соғуний ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида гап кетганда юрт озолиғи, миллат маънавияти билан боғлиқ кўпдан-кўп ўта долзарб масалалар ҳаётий зарурат ўларoқ кун тартибиде бўй кўрсатади. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Алихонтўра Соғуний ким бўлган? Қандай ишлар қилганки, бундай юксак улўғлик рутбасига лойиқ кўрилган?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, собиқ совет даврида Алихонтўра Соғуний ҳақида деярли ҳеч қандай расмий маълумот берилмаган. У хусусида турли-туман, аксар ҳолларда бир-бирига зид бўлган фикр-мулоҳазалар билдирилган. Эл-юрт орасида бу зотни улўғловчи сифатлар билан бир қаторда душманлар тарқатган ёлғон ва сохта миши-мишлар ҳам кенг ёйилган. Бу ҳол хорижий адабиётларда ҳам ўз аксини топган.

3»

4»

Келгуси сонларда ўқинг:



Кўрик-танлов



Илғор тажриба тарғиботи

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасалар ўртасидаги «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг биринчи босқичи ҳудудларда юқори савияда ўтказилмоқда. Танловга қарийб 2000 та бошланғич касаба уюшма кўмитаси ўз фаолиятини акс эттирувчи фотоальбом ва тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим этгани унинг нуфузини янада ошириб юборди.

Ушбу ҳужжатлар комиссияларда кўриб чиқилиб, аъзолар сони 100 нафаргача ва 100 нафардан ортиқ бўлган бошланғич ташкилотлар орасида ғолиб топилганлар кейинги босқичга тақдим этиляпти. Таъкидлаш жоизки, кўрик-танловни ўтказиш жараёнида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида бошланғич ташкилотларнинг жамоа шартномалари тармоқ келишувига мослаштирилган ҳолда тузилиши ҳамда иш берувчилар билан ҳамкорликда уларнинг бажарилишини таъминлаши, ходимлар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароити яратиши, шунингдек, бошланғич ташкилот фаолиятининг устав талаблари асосида самарали ташкил этилиши, хо-

димлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Номзодлар иккинчи ва учинчи босқичларда ҳам сараланиб, фаолият кўрсаткичи энг юқори бўлган ташкилотлар аниқланади. Бу эса бошланғичлар орасида илғор тажрибаларни тарғиб қилиш ва оммалаштиришда самарали усул сифатида танловнинг аҳамиятини оширади.

Шоҳида БЕГИМҚУЛОВА,
Ўзбекистон агросаноат мажмуи
ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг ташкилий
ишлар бўйича мутахассиси

Хоразм вилояти

Сафимиз яна 160 кишига кенгайди

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг ноябрь ойида Хоразм вилоятига ташрифи чоғида воҳада яшовчи аёллар турмуш шароитларини яхшилаш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, оғир турмуш шароитидаги оилалар, хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш, оилалардаги салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича масъул раҳбарларга топшириқлар берган эди. Ҳўш, ўтган даврда бу масалада қандай ўзгаришлар бўй берди?

Ургачч шаҳридаги «Ёшлар маркази» биносида иш бошлаган устав фонди 90 млн. сўмни ташкил этувчи, кунига 28 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга «Ургачч тикувчилик мажмуаси» масъулияти чекланган жамияти ана шу ташаббус самараси бўлди. 160 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган корхона опа-сингилларимиз ҳаётига янги мазмун ва қувонч олиб кирди.

– Ойнаи жаҳон орқали замонавий

корхоналарда фаолият кўрсатаётган аёллар ҳақида лавҳалар томоша қилганимда уларга ҳавасим келарди, дейди – Гулсара Эржанова. Мана мен ҳам ўзим орзу қилган доимий иш ўрнимга эга бўлдим.

Корхона фаолиятининг илк кунлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида иш берувчи ва ходимларнинг умумий йиғилишини ўтказдик. Касаба уюшмалари фаолияти, аъзолик афзалликлари ҳақида тушунтириш бердик. Жамоадошлар бир овоздан касаба уюшмасига аъзо бўлиш ҳақида қарор қабул қилишди. Корхонада бошланғич касаба уюшма ташкилоти ту-

зилиб, тармоқ касаба уюшмаси Ургачч шаҳар кенгашига бириктирилди. Жамоа шартномаси имзоланди. Эндликда ишчи-хизматчиларга бепул махсус кийим ҳамда бепул иссиқ овқат берилмоқда. Тиббиёт, дам олиш, маънавият хоналари фаолияти йўлга қўйилди. Янги иш бошлаган опа-сингилларимиз жамоа шартномаси асосида кўплаб имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлаётганидан бениҳоя мамнун.

Фозил БОЛТАЕВ,

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Ургачч шаҳар кенгаши раиси

Навоий вилояти

Энг яқин дўст ҳамроҳлигида

Навоий шаҳридаги «Баркамол авлод» болалар марказида «Во-яга етмаганлар ўртасида ҳуқуқ-

бузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда китобнинг аҳамияти» мавзусида конференция бўлиб ўтди.



Унда вилоят ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари иштирок этди.

Маърузачилар юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда китобнинг ўрни ва аҳамияти нечоғлик бекиёс экани ҳусусида сўз юритишди.

– Халқимиз маънавиятини юксалтиришга қаратилаётган доимий эътибор кўнгилимизни тоғдек кўтариш билан бирга, зиммамиздаги масъулиятни янада ошириш, – деди Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Назира Тоғаева. – Зеро, ҳар қандай ислохотларга маънавият пойдевор бўлмас экан, онг-у тафаккуримизни мунтазам ўстириб бормас эканмиз, кўзлаган мақсадларимизга эришиш мушкул бўлади. Бунда китоб ва китобхонликнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.

Дилафруз ЎРЗОВА,
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Нурафшон шаҳри ва Ўрта Чирчиқ туманида «Хавфсизлик, саноатлик ва келажақдаги меҳнат» мавзусида семинар ўтказди.

Семинар

Мустаҳкам муҳофаза омили

Тадбир ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимларини мазкур йўналишдаги меъёрий ҳужжатлар билан таништириш мақсадида ташкил

этилди. Семинарда вилоят Бандлик бош бошқармаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори Бекзод Қўчқоров «Ишлаб чиқариш жараёнида бахтсиз ҳодисалар ва касб-салликларнинг олдини олиш», вилоят Тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси шифокори Гулчехра Бекжоновна «Меҳнатда жабрланган ходимларга ногиронлиқни белгилаш тартиби», «Ўзгросуғурта» АЖнинг Тошкент вилояти дирекцияси раҳбари Рустам Хидиралиев «Ходимларнинг ҳаётини суғурта қилиш ҳамда ишлаб чиқаришда жабрланган ходимлар учун суғурта тўловларини ундириш тартиби» тўғрисида маъруза қилишди.

Тадбирда меҳнат жараёнида ходимларнинг хавфсизлиги ва иш қобилиятини сақлаш мақсадида ҳар бир касб учун меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган йўриқноmalар ва дастурлар асосида уларни дастлабки ва даврий ўқитиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Иштирокчиларга фаолиятларида фойдаланиши учун методик қўлланмалар тақдим этилди.

Давронбек ОРИПОВ,
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри

Бектемир туманидаги Маданият марказида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусга бағишланган тадбир уюштирилди.

Келажак сари дадил одимлар

Унда ташаббуслар бўйича кўрик-танловлар ва кўргазмалар ўтказилди.

Тадбирлар давомида спорт йўналишлари (бокс, миллий кураш, шахмат ва шашка, гимнастика, ушу) бўйича маҳорат дарслари, «Китобхонлик – маънавият сарчашмаси» шиори остида китоб кўргазмаси, «Ёшлик ва нафосат» ҳамда «Ёш инновациячи» танлови, театрлаштирилган саҳналар, «Ишбилармон аёл» шиори остида бўш иш ўринлари ярмаркаси ва миллий либослар кўргазмалари ташкил этилди.

Кўрик-танлов ғолиблари ҳамда иштирокчилар қимматбаҳо совғалар, совринлар, faxрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз

Қашқадарё вилояти

Оромбахш ҳордиқ онлари



Ҳикмат

Инсониятни болаларсиз бунчалик севиб бўлмасди.

Фёдор ДОСТОЕВСКИЙ

Қашқадарёда оромгоҳлар болажонларга қучоқ очди. Улар учун қизиқарли тадбирлар, оромбахш ҳордиқ онлари бошланди.

Шаҳрисабз туманидаги янгидан қайта қурилган «Зиё чашмалари» оромгоҳида жорий йилги мавсумга болалар соғломлаштириш оромгоҳларини қабул қилиш ва мавсумнинг очилишига бағишлаб вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳининг навбатдаги семинар йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, болалар оромгоҳлари директорлари, тасарруфидда оромгоҳи бор корхоналар раҳбарлари, касаба уюшма кўмитаси раислари, оромгоҳларга бириктирилган ҳомий ташкилот раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йилда

Самарқанд вилояти

37 та уй топширилди

Киши кўнгли фақат ўз уйидагина ҳаловат топади. Тақдирми, қисмати азалми, шу чоққача ўз уйига эга бўлмаганлар ҳам бор ора-мизда. Бундай инсонларга давлатимиз томонидан доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳридаги «Шукрона» маҳалласида бунёд этилган наъманавий лойиҳадаги уй-жойлар 37 нафар ногиронлиги бор, кам таъминланган ва эҳтиёжманд фуқароларга туҳфа этилди.

– Мазкур хонадонларнинг 2 таси Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қурилган, мутлақо бепул, –

дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Акбар Қодиров. – 35 нафар фуқаронинг банкдаги ҳисобларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими 25 миллион сўмдан маблағ ўтказиб берди.

Янги уйларни топшириш маросими чинакам тўйга айланиб кетди. Кенг жамоатчилик вакиллари ва меҳмонлар хонадон соҳибларини қутлашди.

– Давлатимиз раҳбарига раҳмат, – дей-

ди 1-гуруҳ ногирони С.Абдуллаева. – Оиламиз билан етти йилдан ортиқ муддат кўч-кўронимизни орқалаб, ижарама-ижара сарсон бўлганмиз. Энди ўзимизнинг уйимиз бор. Янги хонадонларга кўчиб келганларнинг барчаси имкониятига қараб иш билан таъминланишини эшитиб, хурсандчилигимиз янада ошди.

Вилоятда уй-жойга муҳтож бўлган фуқаролар эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзида минг нафардан зиёд уй-жойга муҳтож кишилар борлиги аниқланган. Уларнинг ҳар бири босқичма-босқич ўз уйларига эга бўлади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Батмир Мустафоев олан сурат



Алихонтўра Соғуний Марказий Осиё чор Россияси мустамлакасига айланган даврда Қирғизистоннинг Тўқмоқ шаҳрида истиқомат қилувчи диндор ўзбек оиласида дунёга келган. Унинг отаси Шокирхўжа асли андижонлик бўлиб, нақшбандия сулукига эътиқод қилган. Эл орасида Шокирхўжа эшон номи билан машҳур бўлган бу уламнинг аждодлари ҳам таниқли диний арбоблар ҳисобланган. Уларнинг ўзган шаҳрида мақбаралари бор.

Алихонтўранинг киндик қони тўкилган Тўқмоқ шаҳри қадимий туркий кентлардан бири бўлган Боласоғун шаҳри харобалари ёнида қад ростилаган. Алихонтўра Қорахонийлар сулоласининг пойтахти бўлган шонли Боласоғун шаҳри номини кейинчалик ўзига тахаллус қилиб олган. Унинг болалиги ва ўсмирлик йилларида бир-бирдан фаройиб қароматли воқеалар содир бўлган. Шу сабабли унга ёшлиғидаёқ юксак баъшоратлар билдирилади. Тақдирнинг инояти билан кейинчалик улар рўёбга чиқади.

Узоқни кўра олган Шокирхўжа эшон икки ўғлини Макка шаҳрига ўқишга олиб боради. Тўғма илм ошиғи бўлган Алихон талабалик йилларида араб, форс, турк тиллари мукаммал ўрганади. Тафсир, ҳадис, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), мантиқ, сиёсат ва ҳарбий илмини пухта эгаллайди.

Арабистондаги таҳсил кейинчалик Бухоро мадрасаларида давом этади. Бу ерда диний билим-

лар билан бир қаторда шеърят, мусиқа, жуғрофия, ҳандаса, фалакиёт, тарих, табобат илмларини кунт билан ўрганган Алихон расмий ва норасмий равишда ман этилган адабиётларни мутлоаа қилишга киришади. Турк ва татар тилида нашр этиладиган газета-журналларни ўқиш ёш Алихоннинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатади.

Она юртига қайтиб келгач, ёш мударрис кенг диний маърифатчилик фаолияти билан шуғулланиб, деҳқончилик ва табибчилик орқали рўзгор тебратди. Биринчи жаҳон уруши бошлангандан сўнг чор ҳукумати маъ-

бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Синфий кураш таълимотининг амалдаги кўриниши бўлган қизил террор натижасида маҳаллий аҳолининг ёппасига қирғин қилиниши, диндор ва ўқимишли кишиларнинг қатағони Алихонтўрада кескин нозилик уйғотади. Бу эса мустамлакачилар эътиборидан четда қолмайди. «Қора рўйхат»га тушгани маълум бўлгач, яқин дўстларининг маслаҳати билан яна Қошғарга кетади. Аммо бир йилдан сўнг яна юртига қайтиб келади. Шаҳардан четрқоқдаги бир қишлоқда деҳқончилик қилмоқчи бўлади. Бироқ, совет ҳокимиятининг мислсиз зулмига чидаб туролмайди. Шу боис у яна тенгсиз ва хатарли курашга киришади. Аввало, Ислом дини ва маданиятини даҳрийлик хуружларидан ҳимоя қилишга интилади. Буни амалга ошириш учун халқ талабига биноан Тўқмоқдаги катта масжидга имомлик қилади. Тазйик-у таҳдидларга қарамай катта ҳудудда Ислом

линишига саноқли кунлар қолганда қамқондан қочишга муваффақ бўлади. Яширинча равишда чегарадан Шарқий Туркистон (Ўйғуристон)га ўтиб кетади. Ёулжа шаҳрида яшаган чоғида илмига амал қилувчи диний аллома, ҳалол, жасур ва ҳожатбарор шифокор – табиб сифатида обрў-эътибор қозонади. Бу мавқеадан фойдаланган ҳолда халқни мустамлакачиларнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашга чорлайди. 1937 йили Хитой ҳукумати Алихонтўрани ҳибсга олиб, суд ҳукмиеси умрбод қамқоқ жазосини тайинлайди.

“Узоқни кўра олган Шокирхўжа эшон икки ўғлини Макка шаҳрига ўқишга олиб боради. Тўғма илм ошиғи бўлган Алихон талабалик йилларида араб, форс, турк тилларини мукаммал ўрганади. Тафсир, ҳадис, фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги), мантиқ, сиёсат ва ҳарбий илмини пухта эгаллайди.”

унинг маънавий руҳини кўта-ришга ҳам катта эътибор қаратган. Моҳир нотик мавзунинг тингловчиларга тез баён қилиб, унинг асл

вожланиши, яъни мустақил Туркистон давлатининг барпо бўлиши совет ва Хитой ҳукумати манфаатларига бутунлай зид эди. Шу боис, хоминона тузилган машвум режага асосан 1946 йилнинг ёзида аввал алдов, кейин эса қуролли тазйик остида Алихонтўра фулжадан Тошкентга олиб келинди.

Алихонтўра Соғуний сиёсий ишлардан мажбурий равишда четлаштирилгандан сўнг фаол илмий, ижодий ва ижтимоий фаолият билан машғул бўлди. «Темур тузуклари» каби бир қанча ноёб асарларни ўзбек тилига ўғирди. Тархимоликдан ташқари «Тарихи Муҳаммадия», «Туркистон қайғуси» каби қомусий асарлар яратди. Мазкур асарлар келажак авлод маънавиятини таназзулдан асраш, миллий маданиятимиздаги азалий қадриятларни ислом маърифати, тарих сабоқлари ёрдамида сақлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади. Кўп йиллик табиблик тажрибаси асосида ёзилган «Қасаллиқлар давоси» асари эса Шарқ табobati-нинг нодир намунаси ҳисобланади.

Ижтимоий ҳаётда тарихий ёдгорликлар ва қадимий қўлезмаларни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда тадқиқ этиш ва кенг оммага тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатди. Собиқ совет тузумининг таъқибларига қарамай Алихонтўра Соғуний кўплаб инсонларга диний ва дунёвий илмдан сабоқ берди. Универсал ўқитиш услубига асосланган бундай сабоқлардан барча бирдек баҳраманд бўлган. Шоғирдлари турли ҳудудларда диний мактаблар очиб, унинг маърифатпарварлик ишини давом эттиришди.

Ниҳоятда камтар инсон бўлган Алихонтўра Тошкентда кўплаб сийлов ва имтиёзларни рад этиб, мўъжаз бир ҳовлида умргузaron-лик қилди. Бундан ташқари, у умр бўйи совет ҳукуматиининг бирон нарсасини олмаган (ҳукумат нафақа тайинлаганида уни етимхона ҳисобига ўтказиб юборган). Саховат қилишни амалга айлантиргани боис қарз сўраб келганларни ҳеч қачон қуруқ қайтармаган. «Кечирувчиларни Оллоҳ ҳам афқ қилгусидир», деган ҳадисга қатъий равишда амал қилгани учун ўзига душманлик қилганларни ҳам кечирган ва ҳеч қачон кек сақламаган.

Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин қабристонига мангу кўним топган Алихонтўра Соғуний ўз эсдаликларига шундай ёзган эди: «Мен бу дунёга исломпарастина эмас, балки инсонпараст бўлиб келдим ва ҳаётим давомида шунга содиқ бўлиб қолдим». Бу сўзларда заррача муболага йўқ. Зеро, маърифатпарвар аждодларимиз таъкидлаганидек, «Ҳақ йўли, албатта, бир ўтиляусиди!».

Ҳолли НОРБОВ

Ислоҳот

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан ҳудудларда қатъий жадвал асосида ҳар ҳафталик сайёр қабуллар ўтказмоқда.

МУЛОҚОТНИНГ БЕТАКРОР ТИЗИМИ

Сайёр қабуллар самара бермоқда

Унда аҳолининг мурожаатлари иш юритишга қабул қилиниб, муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш чоралари кўрилади.

Шу каби сайёр қабуллардан бирини Миробод тумани Адлия бўлими «Янги-замон» маҳалласида ўтказди. Мазкур тадбирда туманининг Эски Сарикўл кўчасида яшовчи фуқаро Ш.Синникова ақлида бўлиб «Янги-замон» маҳалласида ўтказди.

Мазкур тадбирда туманининг Эски Сарикўл кўчасида яшовчи фуқаро Ш.Синникова ақлида бўлиб «Янги-замон» маҳалласида ўтказди. Мазкур тадбирда туманининг Эски Сарикўл кўчасида яшовчи фуқаро Ш.Синникова ақлида бўлиб «Янги-замон» маҳалласида ўтказди.

Мазкур мурожаат бўлими иш юритишга қабул қилинди. Ш.Синникова ақлида бўлиб «Янги-замон» маҳалласида ўтказди. Мазкур тадбирда туманининг Эски Сарикўл кўчасида яшовчи фуқаро Ш.Синникова ақлида бўлиб «Янги-замон» маҳалласида ўтказди.

Ирода ХАЙРУЛЛАЕВА, Миробод тумани Адлия бўлими катта масаҳатчиси

Молия муассасаларида

Ҳикмат

Одам – фақат атама эмас, – унвон. Унвон бўлганда ҳам, жуда юксак унвон. Бу юксак унвонга муносиб бўлиш учун бир умр итилиш керак.

Расул ҲАМЗАТОВ

Ташаббуснинг қаноти бор

«Халқ банки» пойтахтимиздаги Япон боғида «Баркамол авлод – юрт таянчи» шиори остида банк ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида маданий-маърифий тадбир ташкил этди.

Президентимиз илгари сурган ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус доирасида ўтказилган тадбир ўзаро ҳурмат, ҳамфикрлик ва ҳамжиҳатликка асосланган бошқарув тизимининг янада мустақамлигини намоён қилди.

Таниқли санъаткор ва истеъдодли ижодкорлар концерт дастурлари, рассомлар, спортчилар турли ўқув машғулоти билан тадбир иштирокчиларига ўзгача кайфият улашди.

Келгусида мазкур ташаббусларни «Халқ банки»нинг филиаллари микёсида кенг тарғиб қилиш режалаштирилмоқда.

Банк ахборот хизмати



«Ипотека банк» акциядорлик тижорат ипотека банки хизматлар ҳамда маҳсулотлар турларини тобора кенгайтириб бормоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратилишини енгиллаштириш, инвестицион хусусиятга эга бўлган кредитлар ҳажмини янада ошириб бериш, иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналар, ёш оилалар, кишлоқ ҳудудларида сервис соҳасини ривожлантиришни кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ипотека банк»: КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

ҲАР БИР ОИЛА ТАДБИРКОР

Оилавий тадбиркорликини ривожлантириш, бизнеснинг ушбу шакли билан шуғулланаётганларга қўллаб-қувватлаш ҳамда имкониятларини яратишга «Ипотека банк» АТИБ ҳам салмоқли хисса қўшиб келмоқда.

Шу мақсадда банкда махсус бўлим ташкил этилган бўлиб, мутахассислар ва ишчи гуруҳлар бу борада тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда 350 мингта маҳаллада ўтказилган тарғибот ишлари жараёнида 15 минг нафардан ортиқ фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирган. Ҳозирга қадар 7,5 минг нафар фуқарога қарийб 153 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, кам таъмин-

ланган оилаларга ҳам имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Қарз олувчиларнинг чекланган ресурслари ва даромадларига мос равишда имтиёзли кредит билан таъминлаш, микозларнинг шахсий имкониятлари, истак ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда кам фоизли кредитлар бериш, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларга қўмаклашишдек эзгу мақсадга камарбаста бўлиш ҳамда фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини қўллаб-қувватлаш учун кредитлар ажратилишини янада енгиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ипотека банк»

АТИБ вакиллари батафсил маълумот беришди.

Хусусан, ушбу молия муассасаси кичик бизнес субъектларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи фаолиятларни молиялаштириш, уларни молиялаштиришда «экологик юк»ни ҳисобга олиш, кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда хорижий кредит линияларининг ўрни, маҳаллий хомашёлардан маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўювчи кичик бизнес субъектлари салмоғини ошириш борасида ҳам юқори самарадорликка эришиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

ИНВЕСТИЦИЯ ЖОЗИБАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА
Молия муассасаси инвестицион

Манзиллимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlatr@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририят хисоборақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,

банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-25
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Мусахҳас:
З. Исмоилов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
ЎА-а якуни – 23:30
Тошпиришди – 01:00

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ,
Буюртма Г – 617.
30082 нусхада босилди.
Нашр қўрсаткичи: 133